

МЕҲНАТ БОЗОРИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИГА ТАЛАБ ВА ТАКЛИФНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Сам ДУ доценти Бобоқулов Баҳром Маматқулович
Сам ДУ магистри Нарзиқулов Фирдавс Шавкатович
Сам ДУ магистри Абдураимов Дилшод Муратқулович

Мазкур мақолада меҳнат бозорида олий таълим муассасалари битирувчиларига талаб ва таклифнинг шаклланиш хусусиятлари ёритилиб, мамлакатимизда қабул квоталари сони, Самарқанд вилоятида олий таълим тизими ривожланишининг асосий кўрсаткичлари таҳлил этилган ҳамда олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириши тизимини такомиллаштириши юзасидан хулоса ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: меҳнат бозори, мутахассислар меҳнат бозори, иш билан бандлик, қабул квотаси, рақобатбардошлик, кадрлар салоҳияти, мутахассисларга талаб ва таклиф.

Формирование спроса и предложения выпускников вузов на рынке труда

В данной статье рассмотрены особенности формирования спроса и предложения на выпускников вузов на рынке труда, квоты приёма высших учебных заведений, изучены основные показатели развития системы высшего образования Самаркандской области и разработаны рекомендации совершенствования системы трудоустройства выпускников вузов.

Ключевые слова: рынок труда, рынок труда специалистов, занятость, квота приёма, конкурентоспособность, кадровый потенциал, спрос и предложение на специалистов.

Formation of supply and demand for higher education graduates on the labour market

Peculiarities of the formation of supply and demand for higher education graduates, enrollment quotes of higher education establishments, main indicators of development of higher education system in Samarkand region are studied in this article and recommendations on improving the system of employment of higher education graduates are provided.

Keywords: labour market, labour market of specialists, employment, enrollment quotes, competitiveness, potential of specialists, supply and demand for specialists

Олий маълумотли мутахассисларга бўлган талабни ўрганишда бевосита худудни ривожлантиришга йўналтирилган сармоялар миқдори, аҳоли сони, меҳнат унумдорлиги, кадрлар салоҳияти ва бошқа кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги пайтда меҳнат бозори ўзаро боғлиқ бўлган, бир-бирини тўлдирувчи омиллар, яъни бозорда ишчи кучи

таклифининг талабга нисбатан ортиши ва ишчи кучи сифатининг иш берувчиларнинг касб-малака талабларига мос келмаслиги ҳолатлари мавжуд бўлиши билан тавсифланади. Юқори малакали кадрларга бўлган талабни истиқболлаштиришда мажмуали ёндашув яъни бозорни, барча тармоқ ва соҳаларни эътиборга олиб, уларни моддий ёки номоддий соҳаларга ажратмасдан, давлат таълим стандартларида кўрсатилганидек, тармоқлар ва соҳалар бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда олий маълумотли кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхати – классификатор ишлаб чиқилган бўлиб, унда таълим соҳалари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи (йўналишлар умумий сони – 165 та, мутахассисликлар умумий сони – 447 та) ўз ифодасини топган. Классификаторда саккизта билим соҳаси назарда тутилган бўлиб, улар таълим, гуманитар фанлар ва санъат, ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ, фан, муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари, қишлоқ ва сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, ва хизматлардан иборат бўлади¹. Мамлакатимизда бу йўналишларга қабул қилинаётган талабалар сони 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари (ОТМ)га қабул квоталари сони

Ўқу в йил и	Қабул режаси										
	Жам и	Шу жумладан							Жам и	Гран т	Конт - ракт
		Бакалавриат				Магистратура					
		Жам и	Кундузги		Махсус сиртқи		Жам и	Гран т			
Гран т	Конт- ракт		Гран т	Конт- ракт							
2008 /2009 й.й.	63839	57269	19945	31659	1265	4400	6570	1510	5060		
2009 /2010 й.й.	68753	63325	19850	37870	1265	4340	5428	1487	3941		
2010 /2011 й.й.	63067	57420	19755	37550	80	35	5647	1559	4088		
2011 /2012	62758	56722	19755	36852	80	35	5856	1561	4295		

¹ 2009 йил. Ишлаб чиқилган олий маълумотли кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори.

2 й.й.									
2012 /2013 й.й.	6260 2	56722	19560	37047	80	35	5880	1566	4314

Манба: Ўзбекистон Республикаси ОУМТВ маълумотларига асосан муаллифлар томонидан тайёрланди. <http://www.edu.uz> – веб саҳифаси.

Юқорида келтирилган маълумотларга (1-жадвал) асосан шуни таъкидлаш мумкинки, республика миқёсида умумий аҳоли сони 2012 йилга келиб 2005 йилга нисбатан 9% га яқин ошган бўлишига қарамадан ОТМларга умумий қабул режаси 2%га камайган. Умумий аҳоли сонида олий маълумотлилар сони камайиб бориши динамикаси охириги йилларда қабул режаси камайиб борганлиги сабабли истиқболда камайиш тенденциясига эга бўлади, аммо меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонида олий маълумотлилар сони ўсиб бормоқда.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида ОТМлар ижтимоий маданий ҳаётимизга тез мослашадиган умуминсоний қадриятлар ва касбий маҳоратга эга бўлган янги авлод мутахассисларни тайёрлашдек муҳим вазифаларни бажармоқда.

Самарқанд вилоятида ҳам тайёрланаётган олий маълумотли мутахассислар ҳақида маълумотларга кўра, 2008 йилга нисбатан жорий йилда талабалikka қабул қилинганлар сони 122 %га ошган ва 2012/2013 ўқув йилида Самарқанд вилояти ОТМларига 5380та бакалавр йўналишига талабалар қабулига квота эълон қилинган қилинган (2-жадвал).

2-жадвал

Самарқанд вилоятида олий таълим тизими ривожланишининг асосий кўрсаткичлари динамикаси

Т/р	Вазирликлар, идоралар ва уларнинг тасарруфидagi олий таълим муассасалари номи	Талабалikka қабул квоталари шу жумладан				
		2008/2009 ўқув йилида	2009/2010 ўқув йилида	2010/2011 ўқув йилида	2011/2012 ўқув йилида	2012/2013 ўқув йилида
		3	4	5	6	7
	Самарқанд вилояти бўйича жами:	4399 (1510грант, 2889контракт)	4017 (1547грант, 2470контракт)	5132 (1745грант, 3387контракт)	5060 (1725грант, 3335контракт)	5380 (1810грант, 3570контракт)
1	Самарқанд давлат	1885 (624 грант, 1261	1710(630 грант, 1080	1625 (623грант,	1590 (605 грант,	1665 (625грант,

	университети	контракт)	контракт)	1002 контракт)	985 контракт)	1040 контракт)
2	Самарқанд давлат чет тиллар институти	634 (161 грант, 473контракт)	500(185 грант, 315 контракт)	448(183 грант, 265 контракт)	465 (180 грант, 285контракт)	480 (180 грант, 300 контракт)
3	Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти	378 (179 грант, 199 контракт)	400(163 грант, 237 контракт)	837 (274 грант, 563 контракт)	825 (290 грант, 535 контракт)	875 (305грант, 570 контракт)
4	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти	447 (89 грант, 358 контракт)	349(96 грант, 253 контракт)	455 (102грант, 353контракт)	450 (105 грант, 345 контракт)	450 (95 грант, 355 контракт)
5	Самарқанд давлат тиббиёт институти	393 (159 грант, 234 контракт)	326(151 грант, 175 контракт)	434 (130 грант, 304 контракт)	425 (125 грант, 300 контракт)	425 (125 грант, 300 контракт)
6	Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти	452 (247 грант, 205 контракт)	550(252 грант, 298 контракт)	1095 (360 грант, 735 контракт)	1050 (340 грант, 710 контракт)	1230 (400грант, 830контракт)
7	Тошкент ахборот технологиялари университети нинг Самарқанд филиали	210 (51 грант, 159 контракт)	182 (70 грант, 112 контракт)	238 (73 грант, 165 контракт)	255 (80 грант, 175 контракт)	255 (80 грант, 175 контракт)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси ва Самарқанд вилоят Иқтисодиёт Бош Бошқармаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди.


Вилоятда ҳар 1000 кишига туғилиш 23-24 тани, табиий ўсиш эса 18 кишини ташкил қилади. Мактабларда 576372 нафар ўқувчи, 170 дан ортик академик лицей ва коллежларда 170100 дан ортик ўқувчи талаба таҳсил олмоқда.

Бозор муносабатларидан келиб чиқиб, ўқувчилар ўқишни тугатгандан кейин эгаллаган касби бўйича ишга жойлашишга ёки олий таълим муассасаларида олий таълимни эгаллашга ҳаракат қилади.

“Ижтимоий фикр” маркази ходимларининг “Ўзбекистон ёшлари: ҳаётини позицияси, одоб-ахлоқ, ижтимоий йўналишлар” мавзусида ўтказган социологик тадқиқот натижаларига кўра ёшларнинг ҳар иккисидан бири ўз

билим даражасини ошириш мақсадида эканлигини таъкидлашган ва 70,1% ёшлар олий таълимни эгаллашни ўз олдиларига мақсад қилиб олишган².

ОТМларда таъсил олаётган талабалар контингентига назар солсак (1-расм) умумий аҳоли сонидан шаҳар аҳолиси 26,5%ни ташкил этиб, 31,6% талабалар шаҳарда истиқомат қилувчи ёшлар эканлигини кўраемиз. Туманлар аҳолиси сони умумий вилоят аҳолиси сонини 74,5%ни ташкил этиб, туманлардан келиб ОТМларда таъсил олаётган талабалар сони 68,4% ни ташкил этмоқда. Таъкидлаш лозимки, ҳудудлар бўйича талабалар сонини тақсимланишида ҳам номуносибликлар юзга келмоқда. Нуробод, Нарпай, Каттақўрғон туманларидан ОТМларда таъсил олувчи талабалар сони вилоят умумий аҳоли сониданги улушига нисбатан анча пастлиги намоён бўлмоқда.



1-расм. Самарқанд вилоятида 2013 йил ҳолатига ОТМларда таъсил олаётган талабалар контингенти тўғрисида маълумот

Манба: Самарқанд вилоят ОТМлари маълумотлари асосида тузилди.

Ишчи кучининг қайта ҳосил қилиниши асосан ҳудудий хусусиятга эга бўлиб, унинг ҳажми ва таркибига боғлиқ бўлади, талаб эса иқтисодиёт тармоқлари хусусиятига эгадир. Бу зиддиятни ҳал этиш учун иш билан бандликни мувофиқлаштиришнинг комплекс тизими, биринчи навбатда маркетинг функциясига эга тизим шакллантирилиши керак³, шу ўринда юқори савиядаги маркетинг хизматларининг ташкил қилинишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бу вазифаларни ҳал этиш учун кадрлар тайёрлаш ва мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурлари доирасида ўтган давр мобайнида юртимиздаги таълим муассасалари замонавий моддий-техник, ўқув базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнига янги стандартлар, илғор педагогик, ахборот, инновацион технологияларини жорий этиш борасида кўлами ва маъно-мазмунига кўра ҳақиқатан ҳам аҳамиятли ишлар амалга оширилди.

Олий таълим муассасалари ва буюртмачи корхоналарнинг интеграцияси жараёни буюртмачилар ва олий таълим муассасалари ходимлари ўртасида ўзаро жавобгарликни тўлиқ ҳис қилган янги

² <http://www.anons.uz/article/articles/3179/>

³ Юлдашев М., Хужаев Н. Безработица, занятость, рынок труда и их моделирование. – Т.: “Фан”, 1997. –С. 11.

муносабатларни юзага келтирди. Одатда, ҳар бир мутахассисликка талаб географик омиллар ва ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаларнинг ривожланишидан келиб чиқади.

Ёш мутахассислар меҳнат бозорини тартибга солиш устуворликлари бошқарув, ижтимоий ҳимоя, ташкилий ва моддий рағбатлантириш каби ҳар томонлама ислоҳотларни амалга оширишга таянади. Меҳнат бозоридаги ҳозирги ҳолат, биринчидан, саноатда юксалиш бўлишига қарамасдан, ёш мутахассисларни ишга қабул қилиш анча суст бўлса, иккинчидан, битирувчиларнинг касбий тайёргарлигига буюртмачи ташкилотлар талабларнинг жуда ошиб кетганлиги билан тавсифланади. Шунинг натижасида кўпчилик битирувчиларнинг ишга жойлашишида муаммолар юзага келмоқда.

Ҳозирги кунда вилоятдаги айрим мутахассислик битирувчилари иш билан бандлик муаммоларига дуч келишмоқда. Бундай ҳолат яқин 3-5 йил ичида ҳам сақланиб қолиш эҳтимоли мавжуд. Давлат иш билан бандлик хизмати органлари у ёки бу мутахассисликлар бўйича меҳнат бозоридаги талабни асослаш мақсадида меҳнат бозори мониторингини ўтказиши ва ўқув юртлари битирувчиларининг ишсиз бўлиб қолишининг олдини олиш бўйича илмий асосланган хулосалар ишлаб чиқиш таклифлари билан чиқишмоқдалар. Чунки битирувчилар ишсиз бўлиб юрсалар, уларни тайёрлаш учун йўналтирилган молиявий харажатлар самарасиз бўлади¹.

Мутахассислар тайёрлашнинг минтақавий истиқбол режалари йўқлиги худуддаги меҳнат бозорида мутахассисларга талаб ва таклифнинг тўғри келмаслигига сабаб бўлмоқда. Касбий таълим потенциали ва унинг келажаги олий маълумотли мутахассисларга бўлган талабга боғлиқ ва бу талаб энг аввало, иқтисодиётимизнинг ҳозирги ҳолатидан келиб чиққан бўлиб, у мутахассисга бўлган ижтимоий талабдан юзага келади ҳамда у меҳнат бозорини таклифи билан характерланади. Бу талаб ва таклифлар ҳозирча жуда кам ўрганилган бўлиб, меҳнат бозорида ОТМ битирувчиларининг мониторингини олиб боришни кун тартибига асосий вазифалардан бири қилиб қўймоқда.

Бозордаги талабнинг сифатини белгиловчи кўрсаткичлар турли хил мутахассисликларга иш берувчилар томонидан кадрлар агентликларида бўш иш ўринларининг ўсиши ва иш ҳақи миқдори динамикасига боғлиқ бўлади.

Иш берувчилар томонидан мутахассисликларга талаб қанча юқори бўлса, уларга шунча кўп миқдорда ойлик маошлари тўлашадилар. Ана шу тартибда амалга оширилган тадқиқотлар олий таълим муассасаларининг маркетинг стратегиясини белгилайди.

Бозор талаблари асосида Самарқанд вилоятидаги Олий таълим муассасаларида ҳам кейинги йилларда қатор янги йўналишлар ва мутахассисликлар очилди.

¹ Арабов Н.У. Меҳнат бозори инфратузилмасининг ривожланиши. Дисс. иқт. фан. ном. -Т.: ЎзФА Иқтисодиёт институти, 2008. –Б. 83.

Уларга мисол қилиб - дизайн, менежмент, геодезия, картография ва кадастр, муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи, кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш, ландшафтлар архитектураси, қишлоқ қурилишини лойihalаш, ер тузиш ва ер кадастри, суғурта иши, туризм, аҳоли ва туристларнинг овқатланишини ташкил этиш сервиси, сервис, туризм ва меҳмонхона хўжалиги сервиси, олий ҳамширалик, фермер хўжалигини юритиш ва бошқаришларни айтиш мумкин.

Вилоят меҳнат бозорида муҳандис кадрлар, гидромелиорация, ўсимликларни химоя қилиш, ипакчилик, қурилиш, алоқа (айниқса, замонавий алоқа воситалари), уй-жой коммунал хўжалиги ва бошқа соҳаларда айрим мутахассисларни тайёрлаш етарли даражада эмаслиги сезилмоқда.

Самарқанд вилояти бўйича жами ОТМ битирувчилари (магистр ва бакалаврлар)нинг 53 %и таълим муассасаларида банд бўлиб, улардан асосий қисми (32 %) халқ таълими тизимида ўз меҳнат фаолиятларини бошлашган.

Таълим соҳасидан бошқа соҳаларда банд бўлганлар ҳиссасида энг юқори кўрсаткич қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалигига тўғри келмоқда, улар 18,1 %ни ташкил этди. Тадбиркорлик билан шуғулланаётганларнинг миқдори умумий бандлиги таъминланганлар орасида 9,6 % ни ташкил этади.

Ишга жойлашмаганлар миқдори иқтисодий нофаол битирувчиларни айириб ташланганда 7,9 %ни ташкил этди.

Бакалавриятда 226 нафар ва магистратурада 117 нафар битирувчи иш ўрнига эга бўлмаган, аммо улар бандликка кўмаклашувчи марказларда расмий ишсиз мақомини олмаганлар, бу эса уларни келажакда ўз ўрнини топиши учун кўмаклашишга мураккабликлар туғдиради. Бизнинг фикримизча, битирувчилар ўртасида мониторинг ўтказилиб, уларнинг барчасини рўйхатда бўлишларини таъминлаш зарур. Республика миқёсида ҳам бу кўрсаткич анча салбий, бакалаврлар ўртасида атиги 7 %, магистрлар 11 % рўйхатдан ўтишган.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, Ғарбий Европа мамлакатлари миллий бойлиги таркибида инсон капитали 74,0 % ни ташкил этади.

Шу мезон нуқтаи назаридан қаралганда республикада таълим даражаси жаҳонда энг юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Мамлакатда ҳар 1000 нафар иш билан банд кишига 948 нафар маълумотли, шу жумладан, 127 нафар тўлиқсиз ўрта, 480 нафар ўрта, 199 нафар ўрта махсус, 22 нафар олий малакали мутахассис тайёрланган бўлса, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич олий малакали мутахассислар 75-80 нафарни ташкил этган.

Аҳамиятга молик ишлардан бири – меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлашни амалга ошириш мақсадида таълим соҳасида босқичма-босқич, аниқ мақсадга йўналтирилган дастурлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Бу йўналишдаги асосий вазифалардан бири рақобатбардошлик муҳитини вужудга келтириш ҳисобланади. Асосий масала “рақобатбардош олий таълим муассасаларисиз рақобатбардош иқтисодиёт бўлиши мумкин эмас”² лигидадир. Ҳаётга тадбиқ этилаётган дастурлар

² Л.Перегулов. Высшее образование в Узбекистане, Единство с мировыми тенденциями. Учитель Узбекистана. 19.01.2007 №3(15020)

ёшларимизнинг юксак талаб даражасида умумий таълим олиши билан бир қаторда уларнинг ўз қобилиятини рўёбга чиқариши, жамиятда муносиб ва мустақкам ўрин эгаллаши учун аниқ мутахассисликка эга бўлиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. 2009 йил. Ишлаб чиқилган олий маълумотли кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори.
2. Л.Перегудов. Высшее образование в Узбекистане, Единство с мировыми тенденциями. Учитель Узбекистана. 19.01.2007 №3(15020)
3. Юлдашев М., Хужаев Н. Безработица, занятость, рынок труда и их моделирование. – Т.: “Фан”, 1997. –С. 11.
4. Арабов Н.У. Меҳнат бозори инфратузилмасининг ривожланиши. Дисс. иқт. фан. ном. -Т.: ЎзФА Иқтисодий институти, 2008. –Б. 83.
5. <http://www.anons.uz/article/articles/3179/>